


Вояга етмаганлар ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси идоралараро комиссияси бошлиғи

 Image not found or type unknown

Шамшетов Қаллибек Кеңесбаевич

Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар тўғрисидаги НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссия (кейинги ўринларда — Республика комиссияси), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар (кейинги ўринларда — минтақавий комиссиялар), туман (шаҳар) (кейинги ўринларда — туман (шаҳар) комиссиялари) идоралараро комиссиялари фаолиятини ташкиль етиш тартибини белгилайди.

2. Республика комиссияси, шунингдек минтақавий комиссиялар, туман (шаҳар) комиссиялари (кейинги ўринларда — ҳудудий комиссиялар) ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширувчи органлар ҳисобланиб, улар: вояга етмаганлар ўртасида назорацизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, уларга имкон туғдирувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф етиш; вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, еркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш; ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш мақсадида тузилади.

Ҳудудий комиссиялар ўз фаолиятида юқори турувчи комиссияларга ҳисобдордир, ўз фаолияти тўғрисида ҳар чорак яқунлари бўйича уларни хабардор қилиб турадилар ва ҳисобот бериб борадилар.